

Таъсирли учрашув



15:25 / 16.02.2022 3305

Сўнгги бир неча соат ичида ижтимоий тармоқларда туя ва унинг аввалги эгаси акс этган видео тарқалди. Ҳайвон бир неча йил олдин уни сотган собиқ эгасини кўриб қолади. Ушбу воқеа Саудия Арабистонида бўлиб ўтади.

Туя ўзининг эски эгасига кўзи тушиши билан дарров яқинлашиб, уни меҳр билан қучоқлайди. Яқин атрофдагилар туянинг аввалги эгасини унинг қучоғидан озод қилмоқчи бўлишади, лекин туя биринчи эгасини қўйиб юборишни истамайди. Ушбу видео ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди ва кўплаб фикр-мулоҳаза ва мунозараларга сабаб бўлди.

Қайд этиш керакки, кўплаб мусулмон мамлакатларида туялар катта аҳамиятга эга. Бу ҳайвон Қуръон ва ҳадисларда қайта-қайта тилга олинган.

